



Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги хорижий фуқароларга, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун рухсатномалар бериш ҳамда уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 178-сонли қарорига асосан ҳамда вилоят ички ишлар бошқармасининг 2011 йил 2 мартдаги 22/537-сонли хатини инобатга олиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги хорижий фуқароларга, шу жумладан МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун рухсатномалар бериш ҳамда уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиянинг (кейинги ўринларда “Махсус комиссия” деб юритилади) янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, махсус комиссия аъзоларининг хизмат вазифаси ўзгарган тақдирда, ушбу вазифага янги тайинланган шахс махсус комиссия аъзоси ҳисобланади.

2. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Б.Қурбанов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 178-сонли қарорига биноан тегишли ҳужжатларни сифатли ва ўз вақтида расмийлаштирилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Вилоят ҳокимининг 1999 йил 24 апрелдаги 116-сонли қарорининг 3-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, махсус комиссия раисининг ўринбосари Б.Қурбанов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**Б.Юсупов**

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги хорижий фуқароларга, шу жумладан МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун рухсатномалар бериш ҳамда уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия

### Таркиби

- |            |   |
|------------|---|
| Б.Юсупов   | - Вилоят ҳокими, махсус комиссия раиси  |
| Б.Қурбанов | - Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, махсус комиссия раисининг ўринбосари  |
| М.Исмаилов | - Вилоят ички ишлар бошқармасининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, махсус комиссия котиби |

### Махсус комиссия аъзолари

- |              |   |
|--------------|---|
| Р.Якубджанов | - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи                          |
| Ш.Маҳмудов   | - Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи   |
| Ш.Тўраев     | - Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи                  |
| О.Нуриддинов | - Вилоят “Маҳалла” жамғармаси бўлими раиси  |
| Н.Каримов    | - Вилоят ҳокимлигининг муниципал, коммунал мулк объектларини ва уй-жой фондини бошқариш давлат унитар корхонаси |

**Изоҳ:** Махсус комиссия аъзоларининг хизмат вазифаси ўзгарган тақдирда, ушбу вазифага янги тайинланган шахс махсус комиссия аъзоси ҳисобланади.